

ЖЧ-2034 стадионларида спиртли ичимликлар истеъмоли тақиқланади



15:08 96

ФИФА Саудия Арабистонидан қонунни ўзгартиришни сўрамоқчи эмас.

2034 йилда Саудия Арабистонида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида стадионларда спиртли ичимликлар истеъмоли тақиқланади. Бу ҳақда The Guardian нашри хабар берди.

Мусобақа давомида стадионларда пиво сотилмаслиги аниқ. Аммо фан-зоналар ва меҳмонхоналарда алкоголь сотуви бўйича қарор ҳали қабул қилинмаган. Шунга қарамай, ФИФА Саудия Арабистони ҳукуматидан жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичишга рухсат берадиган қонунларини юмшатишни талаб қилишни режалаштирмапти.

ФИФА Қатардаги ЖЧ-2022 тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бу сафар ҳам ҳомийлардан бири саналмиш Budweiser брендига эгалик қилувчи компанияга бунинг учун 40 миллион фунт товон пули тўлашга қарши эмас.

Маълумот учун, Саудия Арабистонида спиртли ичимликлар савдоси бутунлай тақиқланган. Фақатгина аксарият мамлакат расмийларига Ар-Риёддаги ягона махсус дўконда спиртли ичимликлар харид қилишга рухсат этилган. Бу чора алкоголь контрабандасининг олдини олиш

мақсадида жорий қилинган.